



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 19 ноябрь, № 226 (5900)

Сешанба

ЗАМОНАВИЙ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга



Маълумки, бош кентимиз — Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида юқори ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Бунинг кўплаб омиллари бўлиб, улар орасида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳаси муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда, мазкур тизим мустақиллик йилларида тубдан янгиланиб, пойтахт аҳолиси ва

меҳмонларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Аниқроғи, ҳар тонг ишга, ўқишга отланаётган 1 миллион 300 мингдан ортиқ йўловчи айнан “Тошхатрансхизмат” уюшмасининг йўловчи транспорт хизматидан фойдаланаётир. Зеро, замонавий, қулай ва хавфсиз йўловчи транспортлари уларнинг узогини яқин, мушкулини осон қилаяпти.

Гап шундаки, уюшма таркибида 10 та автобус саройи, 30 та масъулияти чекланган жамият, 2 та трамвай депоси ва метрополитен мавжуд. Улар томонидан 143 та шаҳар ичи, 4 та шаҳар атрофи, 42 та йўналишли такси, 6 та трамвай ҳамда 3 та метрополитен йўналиши бўйича транспорт катнови йўлга қўйилган. Бундан таш-

Қуртимиз иқтисодиёти барча тармоқлари барқарор ривожланиб бораётгани бугун ҳаммамнинг ҳавасини келтираяпти. Бунга, энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгиллашни жадаллаштириш ҳисобига эришиляпти, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Йўл-транспорт ва коммуникация инфратузилмасининг жадал тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади.

ИСЛОҲОТ



қари, 11 таксомотор корхонасининг йўналишсиз такси хизматидан миҳозлар куннинг хоҳлаган пайтида фойдаланишлари мумкин. Сир эмас, аҳолининг йўловчи ташиш транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бевосита автоуловларнинг техник ҳолатига боғлиқ.

Мамлакатимизда тизимга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ҳукуматимизнинг доимий кўмаги туфайли шаҳар жамоат транспорти парк тубдан янгиланиб, энг замонавий техникалар, жумладан, автобуслар билан бойиб бораётгани, айниқса, қувонарлидир.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда мамлакатимизнинг Франциядаги дипломатия миссияси делегацияси томонидан Португалияга сафар уюштирилди. Унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг Португалиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Парижда) мазкур мамлакат Президенти Каваку Силвага ишонч ёрликларини топширди. Португалия Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Португалия саноат уюшмаси — Савдо-саноат палатаси, Португалия Сайёҳлик бўйича кенгашида музокаралар ўтказилди.

Музокаралар ўзаро ҳамкорлик истиқболларига бағишланди

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида 1996 йилда имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга асосан, икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқда мумкин қадар кўп қулайлик яратиш режими ўрнатилган. 1996 йили Хаво транспорти ва туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларро битим, шунингдек, 2010 йили Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Португалия адлия проведори ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши Ўзбекистон — Португалия муносабатларининг чуқурлашишига хизмат қилди.

соҳалардаги ҳамкорликнинг самарасини янада юксалтириш учун катта имкониятлар мавжудлиги тўғрисида яқдил фикр билдирилди. Хусусан, бу борадаги устувор йўналишлардан бири сифатида сармоявий ҳамкорлик ва икки томонлама савдо-сотиқ ҳақими ошириш масаласи алоҳида тилга олинди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон делегацияси томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, яратилган сармоявий муҳит ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида, шу жумладан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий, “Ангрен” ва “Жиззах” махсус индустриал зоналаридаги ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

Икки мамлакат вакиллари Португалия бюджетни даромадларининг муҳим манбала-ридан бири саналадиган сайёҳлик соҳасида инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишувга эришди. Туризм соҳасининг аҳамияти шунда ҳам кўриниб турибди, ҳар йили Португалияга 10 миллион нафарга яқин сайёҳлар келади. Бу рақам мамлакат аҳолиси сонига қарийб тенгдир. Шунингдек, бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ўзаро маданий-гуманитар ҳамкорлик алмашувларининг истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

«Жаҳон» АА.

КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

Муқобил энергия манбаларига бугунги кунда ана шундай таъриф берилмоқда.



OSIYO QUYOSH ENERGIYASI FORUMINING 6-YIG'ILISHI
20-23 noyabr 2013 * Toshkent

6th MEETING OF THE ASIA SOLAR ENERGY FORUM
20-23 November 2013 * Tashkent

6-е ЗАСЕДАНИЕ АЗИАТСКОГО ФОРУМА СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ
20-23 ноября 2013 * Ташкент

Сир эмас, бугунги кунда дунё бўйича энергия истеъмоли уни ишлаб чиқариш суръатидан ҳам ортиб бормоқда. Бу соҳани тараққий эттириш баробарида, унга инновацион технологияларни кенгроқ жалб этиш, табиий газ, нефть, кўмир каби ресурсларни тежашни таъқозо қилаётир. Бироқ бу масаланинг тугал ечими бўла олмайд. Негаки, энергия ҳосил қилишда ишлатилаётган табиий бойлиқлар захираси чекланган бўлиб, қачондир тугаши мумкин. Шу боис муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш давримизнинг энг долзарб вазифаси бўлиб қоляпти.

Дарҳақиқат, муқобил энергия манбалари аънавийларига нисбатан битмас-туганмаслиги, тежамкорлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги, энг асосийси, доимо барқарорлиги билан ажралиб туради. Унинг қуёш, шамол, денгиз тўлкинлари, ер қазрининг геотермал, биомасса каби кўплаб турлари мавжуд. Ўзбекистонда унинг табиий-географик жойлашувиға қўра, айниқса, қуёш энергияси энг истиқболли ҳисобланади. Ҳисоб-китобларга қараганда, юртимизни қамраб оладиган йиллик қуёш энергияси потенциали энергияга бўлган эҳтиёждан бир неча марта кўпроқ. Шунинг ўзиёқ мамлакатимизнинг муқобил энергияни ривожлантириш борасида улкан имкониятга эга эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, серқуёш юртимизда ноаънавий энергия ресурслари-

дан фойдаланиш соҳасида юксак илмий салоҳият мавжуд. Кўп йиллардан буён мазкур жабҳада олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари амалиётга кенг қўлланилмоқда. “Эко-Энергия”, “Mir Solar”, “Интеллект Диалог”, “Solar Energy Products”, “Solar Plus”, “Hi-Tech Solar”, “Nova Engineering” каби ўнлаб корхоналар фволияти муқобил энергия ҳосил қилувчи қурилма ва ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бу ерда кичик қуёш станциялари, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст қувватли қурилмалар, қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини қайта ишлаш, хусусан, қуришти ускуналари тайёрланиб, республикамиз аҳолисиға етказиб берилаяпти.

(Давоми 3-бетда).

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий изчил ривожлантириши таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омиллардандир.

Бюджет ташкилотларининг бюджет интизомига риоя этиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Мазкур тузилмалар ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили тасдиқланадиган ҳамкорликдаги ишлар режаси асосида бюджет интизоми текширишга доир тадбирлар ўтказилади. Ҳисоб палатаси ва Молия ва-

зирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси 2013 йилнинг тўқинчи ойида республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган бир юз етмишдан ортиқ объектни биргаликда режал текширувдан ўтказди. Ўн тўртта олимпия захиралари коллежида ўтказилган текширувлар натижасида харид қилинадиган истеъмол товарлари нархи ошириб кўрсатилгани, иш ҳақи асосиз тўлангани ва бошқа

молиявий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини бериш бўйича белгиланган нормаларга риоя этмаслик оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 238,3 миллион сўм, Урганч олимпия захиралари коллежида эса 129,8 миллион сўм ортиқча сарфланишига йўл қўйилган.

Ўн тўртта олимпия захиралари коллежида ўтказилган жами текширувлар бўйича давлат бюджетига 2,2 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланди ва бугун-

ги кунда етказилган зарар тўлиқ ҳажмда ундирилди.

Наманган ва Сурхондарё вилоятлари маҳаллий бюджетте ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил ишлари натижаларига қўра, қиймати 0,9 миллиард сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қўшимча ҳисобланган.

Бундан ташқари, ушбу вилоятларда амалга оширилган назорат-таҳлил ишлари натижасида ижтимоий объектлар қуришда 514,0 миллион сўм, инфратузилма объектларини барпо этишда 669,0 миллион сўм ва қурилишда 3,3 миллиард сўм но-

қонуний ўзлаштирилган ҳолатлар аниқланди.

Масалан, Сурхондарё вилояти Узун туманида «Махсус қурилиш тавмин бутлаш» масъулияти чекланган жамияти пудрат ташкилоти томонидан 360 ўқувчиға мўлжалланган ва 150 ўринли ётоқхонаға эға хизмат соҳаси касб-хунар коллежини қуришда ишлар ҳажми 67,7 миллион сўмға ошириб кўрсатилган. Шу билан бирга, «Жанубгазмахсус-монтаж» унитар корхонаси пудрат ташкилоти Наманган вилояти Косонсой туманида «Обод» сув чиқариш иншоотини қуришда қурилиш материаллари нархи, механизмлар ва қурувчиларнинг бир соатлик иш қиймати ошириб кўрсатилгани сабабли 244,4 миллион сўм ортиқча олинган.

(Давоми 2-бетда).



8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Мамлакатимиз мустақил тараққийёт йилларида барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларға эришди. Энг муҳими, ушбу ютуқ ва марраларнинг асосида турган “ўзбек модели” халқаро ҳамжамият томонидан тараққийётнинг янги шакли сифатида эътироф этилмоқда.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҚКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Албатта, бундай кенг қўламли муваффақиятларға эришишда давлатимиз Асосий Қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин тутаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу маънода, Конституциямиз миллий тараққийёт йўлимизни белгилувчи халқчил Қомус сифатида ижтимоий-сиёсий соҳада кенг имконият яратиб бермоқда, десак, муболаға қилмаган бўламиз. Унда халқ ҳоқимияти асослари белгиланган бўлиб, у нафақат халқаро ҳуқуқ норма ва қоидаларига, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг аънаваларига ҳамда миллий ҳуқуқий қадриятларимизға айнан мос келади.

Уша оғир йилларда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятидан ҳам юқори турадиган турли қатагон органлари марказда пичогини қайраб турарди. Бунинг устиға шу кезларда турли шаклдаги дўқ-пўписалару маломат тошлару Президентимизға отилганидан кўпчиликнинг хабари бор. Бу тошлар азоб-уқубатлардан энди қутулиб, кўкрагини кўтарайтган халқимизға ҳам келиб тегаётгани. Бундай фитна ва найрангларға чек қўйиш мақсадида ва мустақиллик халқ иродаси даражасиға кўтарилиши лозимлигини чуқур аниқлаган Президентимиз тавсияси билан 1990 йил июнь ойида бўлиб ўтган Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш бўйича 64 кишилик комиссия таркиби тасдиқланди.

Мазкур комиссия раиси — Ислам Каримов бошчилигидаги олимплар, мутахассислар, хорижий экспертлар Конституция лойиҳаси устида икки ярим йил давомида тинимсиз меҳнат қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

хабарлар

■ **Хоразм вилоятидаги "Урганч баҳмал" корхонаси** "Бухороголдентилкастайер" масъулияти чекланган жамиятининг дастлабки буюртмачилари қаторидан ўрин олди.

Дастлабки буюртма

Бухоро шаҳрида фаолият бошлаган мазкур корхона ҳамкорининг 500 минг метр ҳажмда мато етказиш юзасидан берган буюртмасини адо этишга киришди.

— Бизнес лойиҳамизни амалга ошириш учун 600 миллион сўм йўналтирдик, — дейди корхона раҳбари Анвар Ражабов. — Хориждан 30 та замонавий дастгоҳ харид қилдик. Бу дастгоҳларнинг афзаллиги шундаки, улар кўмағида буюртмачи истеғини инобатга олган ҳолда у ёки бу ўлчамдаги пишиқ матоларни ишлаб чиқариш мумкин. Айни пайтда тўрт турда маҳсулот тайёрлаёмиз. Фаолиятимизни 15 нафар ишчи билан бошлаган эдик, қисқа муддатда уларнинг сони ўттиз нафарга етди.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ **Музабот туманидаги савдо ва сервис хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган "Хумо" хусусий корхонасида қандалот маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Бизнес-режа самараси

— Янги бизнес-режани амалга ошириш ҳисобига 10 та иш ўрни яратилди, — дейди корхона раҳбари Холбой Сотатов. — Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш чораларини ҳам кўраёلمиз. Ҳадемай, банк ажратган 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига маҳалла ҳудудида турли маросимлар ўтказишга мўлжалланган замонавий мажмуа ҳамда савдо маркази қурилишини тугаллаймиз.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ **Кармана туманидаги "Экспресс экономии" хусусий корхонаси 200 миллион сўмлик маблағ ҳисобига деворбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.**

Деворбоп маҳсулотлар кўпаяди

— Пишиқ гишт ҳалқали пенларда пиширилади, — дейди корхона раҳбари Феруз Тўхтаев. — Улар иссиқлик манбаини тежаш ҳамда маҳсулот сифатини ошириш имконини бермоқда. Эътиборлиси, йилга бир миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада 10 нафар маҳаллий ёш доимий иш ўрнига эга бўлди.

Азамат ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

■ **Нукус шаҳридаги "Табий ичимликлар" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар тури яна биттага кўпайди.**

Шифобахш сув

қадоқланмоқда

Яъни бу ерда замонавий технология асосида шифобахш сувни қадоқлаш йўлга қўйилди.

— Бизнес-режамизни амалга ошириш учун 50 миллион сўм йўналтирдик, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Абдугани Ибрайимов. — Пировардига 5 та қўшимча иш ўрни яратилди. Улар томонидан қисқа муддатда 100 миллион сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилди.

Умуман, Қорақалпоғистон Республикасида шу йилнинг ўтган 9 ойида янги ташкил этилган санаят корхоналари томонидан 7,9 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Асосий Қонунимиздаги инсонпарварлик тамойилига мос суд-ҳуқуқ тизимини ислохотларидан яна бири, шубҳасиз, суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилишидир. Бу янгилик миллий урф-одатларимиз ва умуминсоний қадриятларга мослиги билан ҳам эътиборга молик. Унга қўра, ижтимоий ҳафти қатга бўлмаган жинойи қилмишини содир этган шахс жабрланувчиға етказган зарарни қоплаган тақдирда, жинойи жавобгарликка тортилмайдиган бўлди. Эътиборлиси шундаки, мазкур институт қўлланила бормасдан буюн 147 минг нафардан зиёд кишилар жинойи жавобгарликдан озод этилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тизим ислохотларида янги даврни бошлаб берди. Эеро, мазкур дастуриламал ҳужжат асосида ишлаб чиқилган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Нера деганда, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган ушбу Қонун билан "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳужалик процессуал кодексларига муайян ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Булар, ўз навбатида, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Қубайер корпус" институтини қўллаш амалиётини кенгайтириш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизимини ҳодимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳада рўёбга чиқарилаётган ислохотларда яна бир муҳим қадам бўлди. Унда судьяликка биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази, Олий суд ва Олий ҳужалик судида тайёргарлик ва стажировка ўташи, шунингдек, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасида конституциявий талаблар асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла таъминлаб келинмоқда. Эеро, Асосий Қонунимиз тўда замирида ҳам шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсонни рози қилиш, уларнинг эзгу оруз-ўйларини рўёбга чиқариш, инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этишдек улуввор мақсадлар ўзининг тўлақонли ифодасини топган.

Бўришо МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг Олий суди раиси.

ишни биринчи инстанция судига янгидан қўришга юрбмасдан, йўл қўйилган камчиликни тузатиш, процессуал қонун бузилиши ҳолларини бартаараф этиш, ҳукмини тўлдириб, ўзгартириш қолдириш ёки суд ҳукмини бекор қилиб, қонуний асослар мажжуд бўлганда, оқлов ҳукми чиқариш борасидаги ваколатларини янада кенгайтирди. Утган йиллар ичида озабб жиноят ишлари белгиланган муддатларда ҳал қилинади, қонуний тўхтамага келишга эришилганлиги ҳам бу институт нечоғли аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Асосий Қонунимиз асосида "Жинойи жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан

ислохотлари жараёнида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Эеро, Асосий Қонунимизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда фаолият юритиши белгиланган бўлган. Бу эса амалиётда одил судловни холис, оқорди савида амалга ошириш имконини бермоқда. Конституцияимизнинг 112-моддасида ҳам шунга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашилган йўл қўйилмайди ва бундай ара-

сига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни қўриб чиқанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун тақлиф этиди.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз бе-

ган Асосий Қонунимиз, мана, 21 йилдирки, Ватанимиз тараққиёти йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Утган йиллар мубайнида мазкур ҳужжатга бир неча марта ўзгартишлар киритилгани, улар бугунги кунда келиб ўзини тўла оқлаётганини ҳам таъкидлаш жоиз. Профессионал, доимий ишловчи парламентга бўлган эътиёж, қонунлар сифатини ошириш, ҳокимиятнинг бўлиниш принципини ривожлантириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик ҳокимияти назоратини кучайтириш, ҳуқуқат масъулиятини ошириш мақсадида парламент, Президент, ҳуқуқат фаолиятига ва Сайлов тизимига тааллуқли ўзгартишлар шулар жумласидандир.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон мустақилликка эришган, унинг олдида мураккаб ва масъулиятли вазифалар пайдо бўлди. Шулардан бири ҳокимиятнинг самарали ташкил этиш, бунинг учун ҳокимият органларининг тизимини вужудга келтириш, жамият ва давлат фаолиятига тааллуқли қўллаб масалаларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини яратиш зарур эди. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда дастлаб бир палатали парламент ташкил этилди. Унда депутатлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб боришди. Мухими, улар бу даврда парламент мактабини ўтади, профессионал фаолият учун кўникамо ҳосил қилди. Энди эса қонунлар сифатига кўпроқ эътибор бериш, парламентнинг муттасил фаолият юритиши ва унда доимий вакиллик мутаносиб бўлиши зарур эди. Шундан келиб чиқиб, икки палатали парламентни шакллантирувчи қоидалар Конституцияимизга киритилди. Ушбу ўзгартишлар Олий Мажлисининг икки палатали бўлишини, яъни доимий ишловчи ва профессионал Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда тенг ҳудудий вакиллик бўлишини таъминлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси асосида Конституцияимиз мазмунан янада бойитилди. Бу ўзгартишлар Президент мақомига, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир ваколатларини ва масъулиятини кучайтиришга, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик (қонунчилик) ҳокимиятининг назорат функциясини кучайтиришга қаратилди.

Конституцияимизнинг 98-моддасига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палата-

рилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар учун ҳокимият органларининг тизимини вужудга келтириш, жамият ва давлат фаолиятига тааллуқли қўллаб масалаларни тартибга солувчи қонунчилик тизимини яратиш зарур эди. Буни амалга ошириш учун мамлакатимизда дастлаб бир палатали парламент ташкил этилди. Унда депутатлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда фаолият олиб боришди. Мухими, улар бу даврда парламент мактабини ўтади, профессионал фаолият учун кўникамо ҳосил қилди. Энди эса қонунлар сифатига кўпроқ эътибор бериш, парламентнинг муттасил фаолият юритиши ва унда доимий вакиллик мутаносиб бўлиши зарур эди. Шундан келиб чиқиб, икки палатали парламентни шакллантирувчи қоидалар Конституцияимизга киритилди. Ушбу ўзгартишлар Олий Мажлисининг икки палатали бўлишини, яъни доимий ишловчи ва профессионал Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда тенг ҳудудий вакиллик бўлишини таъминлади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси асосида Конституцияимиз мазмунан янада бойитилди. Бу ўзгартишлар Президент мақомига, Вазирлар Маҳкамаси, Бош вазир ваколатларини ва масъулиятини кучайтиришга, ижро ҳокимияти фаолияти устидан вакиллик (қонунчилик) ҳокимиятининг назорат функциясини кучайтиришга қаратилди.

Конституцияимизнинг 98-моддасига ҳам жиддий ўзгартишлар киритилди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палата-

рилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

лаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади", деб белгиланган бўлган.

Конституцияимизда, аввало, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини қафолатлашга катта эътибор қаратилди. Шу мақсадда суд ишларини юритишнинг процессуал тартибини соддалаштириш, жинойи жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясини доғдаланиш имкониятини кенгайтириш, миллий қонунчиликимизни дунё стандартлари, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштиришга қаратилган муайян чоралар қўрилди. Мисол учун, 1993 йилда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонун одил судловни амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга, суд мустақиллигини таъминлаш учун ҳам мустаҳкам замин яратди. 2000 йилда ушбу Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Унга қўра, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда қўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни самардорлигини оширишга хизмат қилаётди.

Жиноят-процессуал қонунчилигиға апелляция институтини киритилиши ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Эеро, мазкур институт суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлар устидан беришга шикоят, протестларини тўлиқ текшириш, қўшимча тақдим қилинган далил ва ҳужжатлар асосида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим ўрин тутди. Унга қўра, жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Аёллар ва ёши 60 дан ошган эркекларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарихисидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортққ бўлмаслиги белгиланди. Шу билан бирга, жиноят қонунчилигидан мол-мулкни мусодара қилиш тартиби чиқариб ташланди. Бу эса жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг муҳим қўриқларидан бири бўлиб, мазкур янгилик ҳусусий мулк дахлсизлиги тўғрисидаги конституциявий қоидага тўлиқ мос келди.

Конституцияимизда инсонпарварлик тамойиллари етакчилик қилиши ҳеч кимга сир эмас. У асосида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳамда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятида ушбу тамойил устувор эканлиги кўзга аққол ташланиб туради. Жумладан, 2008 йилнинг январидан юртимизда ўлим жазоси бекор қилиниши ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга муҳим воқеа бўлди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди. Айни чоғда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилиб, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари суд қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратилди. Ҳозирги пайтда б меканизм фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Наманган вилояти Поп, Чуст ва Чортоқ туманларининг қишлоқ жойларида уй-жой қуришда ишлар ҳажми 155,6 миллион сўмга ва сифатсиз бажарилган ишлар ҳажми 14,6 миллион сўмга ошириб ёзилгани аниқланди.

Уқув муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи ўрганилганда эса 227 нафар ўқитувчи сохта диплом асосида ишлаётгани, 117 нафар ўқитувчи ўз ихтисослиги бўйича ўқитмаётгани аниқ бўлди.

Наманган вилоятининг Поп ва Косонсой туманларидаги таълим муассасаларида сохта диплом асосида ишлаётган 105 нафар ўқитувчиға 963,1 миллион сўм, Сурхондарё вилоятида 25 нафар ўқитувчиға 300,7 миллион сўм иш ҳақи тўланган. Томди ту-

манидаги 21-мактаб-интернатда сохта диплом асосида ишлаган бошланғич синф ўқитувчиси Т. Елмуротоваға кейинги икки йил давомида 13,0 миллион сўм, рус тили ўқитувчиси Л. Бозороваға 12,1 миллион сўм тўланган.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимини текшириш давомида қурилиш ишлари ҳажми, шунингдек, материаллар ва ишлатилган электр энергияси нархи ошириб кўрсатилгани маълум бўлди.

Мисол учун, «Фаргона шаҳридаги Марғилонсой каналини реконструкция қилиш» объектида бир квадрат метр металл тўсиқ нархи 28,4 минг сўмга асоссиз равишда ошириб кўрсатилгани оқибатида объектнинг бошланғич қиймати 527,5 миллион сўмга кўпайган. Тошкент шаҳридаги Анҳор каналини реконструкция қилиш-

да нархлар оширилиши натижасида «Паркентсувқурилиш» очик акциядорлик жамияти пудрат ташкилоти томонидан 77,2 миллион сўм ортиқча олинган.

Бугунги кунда қонунбузарлардан 1,8 миллиард сўмдан ортққ маблағ ундирилди.

Бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш билан боғлиқ аниқланган барча ҳолатлар бўйича текширув материаллари қонунчиликка мувофиқ чора қўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Бюджетдан маблағ билан таъминланганидан корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда молия ҳодимлари бюджет маблағларидан нотўғри ва мақсадсиз фойдаланилган ҳар бир ҳолат учун қонунга мувофиқ жавоб беришга тўғри келишини эсдан чикармаслиги даркор.



Замонавий транспорт инфратузилмаси

аҳолиға сифатли хизмат кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Табийки, бунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинаётган ҳужжатлар дастуриламал бўлмоқда. Натижада ҳозирги пайтга келиб, автобуслар сони 1436 таға, микроавтобуслар эса 425 таға етказилди.

Уюшма мутахассисларининг айтишича, йўловчиларға янада қулайлик яратиш мақсадида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб хорижда ишлаб чиқарилган автобуслар келтирилиб, қонунчиликка сазовордир. Дастлаб, 1994 йилда Германиядан "Mercedes-Benz O405" русумли автобуслар олиб келинган бўлса, тўрт йил ичида уларнинг сони 277 таға етди. Орадан маълум муддат ўтган, германиялик ҳамкорлардан яна 300 та

"Mercedes-Benz Conecto O345" русумли автобус харид қилинди.

Таъкидлаш керакки, бу автобуслар замонавийлиги, тежамкорлиги, айниқса, йўловчиларға қулайлиги билан барчаға бирдек манзур бўлди. Натижада 2008 — 2012 йиллар давомида янада тақомиллаштирилган 500 та автобус сотиб олинди. Шу билан бирга, Самарқанд шаҳридаги "СамАвто" заводида ишлаб чиқарилган "Исузу" русумли 700 та автобус сотиб олинди, уларнинг барчаси йўналишларға чиқарилди.

Эътиборлиси, йўловчи ташиш автобуслари паркинни янгилаш тадбирлари асло сусайтирилгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 майдаги "Тошкент шаҳар йўловчи ташиш

автобуслари паркинни янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жорий йилда ҳам бу борада муайян ишлар бажарилди. Хусусан, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси Германиянинг "ЕвоBus GmbH" компанияси билан умумий қиймати 14 млн. евролик 100 та "Mercedes-Benz Conecto Low Floor" русумли автобус ҳамда улар учун эътиёт қисмлар ва диагностика анжомлари харид қилиш бўйича шартнома имзолаган эди. Ушбу ҳужжатга биноан, 30 та автобус мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами шодийналарни арафасида Тошкент шаҳриға келтирилган бўлса, бугунги кунғача қолганлари ҳам тўлиқ олиб келинди.

Эътиборлиси, йўловчи ташиш автобуслари паркинни янгилаш тадбирлари асло сусайтирилгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 майдаги "Тошкент шаҳар йўловчи ташиш

ға намунали хизмат кўрсатишмоқда.

— Бизнинг "3-автобус саройи" ОАЖға ажратилган 12 та янги автобусдан биттасини бошқараёلمан, — дейди тажрибали ҳайдовчи Латифхон Абдуғафаров. — Ўттиз олти йиллик меҳнат фаолиятим давомида кўплаб русумдаги автобусларни бошқардим. "Mercedes-Benz" автобусини ҳайдашни эса юртимизда биринчилардан бўлиб ўзлаштирганимдан бехад хурсандман. Қўриб турганингиздек, янги машинанинг бошқарув кабинаси барча зарур жиҳозлар билан таъминланган, салони эса жуда шинам. Бундан, айниқса, йўловчилар мамнун бўлишаётганини айтмайсизми? Ҳар гал улардан раҳмат эшитганимда, ўз касбимдан фахрланиб кетаман, элимга нафим тегаётганидан қалбим қувончға тўлади. Президентимиз Фармони билан давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими" фахрий унвони билан тақдирланганим, камтарона хизматимға берилган юксак баҳо бўлди.

Дунёнинг йирик шаҳарларида аҳолининг гавҳумлиги сервис хизматлари кўрсатишини, хусусан, йўловчи ташишини янада ривожлантириш ва унинг сифатини мунтазам яхшилаб боришини такозо этади. Шу маънода, мамлакатимиз мегалополиси бўлган Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш хизмати тобора тақомиллаштириб бораётганига ҳар қадамда гувоҳ бўлиб туришимиз. Бинобарин, бугун гурур билан айта оламизки, мазкур тизим сифат ва хавфсизлик жиҳатидан жаҳоннинг ривожланган давлатларидан асло қолишмайди.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Боқтиёр АКРАМОВ
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 19 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмға нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.)*

| | | | |
|-------------------------|---------|-------------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 2054,21 | 1 Украина гривнаси | 273,61 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3526,25 | 1 Малайзия рингити | 684,71 |
| 1 Дания кронаси | 395,57 | 1 Польша злотийси | 705,88 |
| 1 БАА дирҳами | 595,43 | 1 СДР | 3341,41 |
| 1 АҚШ доллари | 2186,96 | 1 Туркия лираси | 1078,17 |
| 1 Миср фунти | 317,49 | 1 Швейцария франки | 2391,69 |
| 1 Исландия кронаси | 18,06 | 1 евро | 2967,49 |
| 1 Канада доллари | 2097,00 | 10 Жанубий Корея вонини | 206,61 |
| 1 Ҳитой юани | 359,05 | 10 Япония иенаси | 218,28 |
| 1 Россия рубли | 66,92 | | |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

КЕЛАЖАК ЭНЕРГИЯСИ

Муқобил энергия манбаларига бугунги кунда ана шундай таъриф берилмоқда.

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ноънанавий энергия ресурслари, жумладан, куёш энергиясидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар ашигини очиб берди. Унга мувофиқ, фотоэлектрик панеллар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар имтиёзли кредитлар билан молиялаштирилиши, куёш ҳамда биогаз энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчиларга солиқ ҳамда боғжона имтиёзлари берилиши кўзда тутилгани, айниқса, эътиборга лойиқ.

Жамоамиз ана шу имкониятлардан умули фойдаланиб, корхона фаолиятини тобора кенгайтириб бораётган. Хусусан, жорий йилда "Хамкорбанк"нинг молиявий кўмаги билан Хитой Халқ Республикасидан замонавий технологик линия сотиб олдик. Айни пайтда уни янги тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг натижасида қўшимча 50 та иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш, ҳажми 6 баробар ошди. Бошқача айтганда, модернизациялаш тадбирлари 25 Ваттдан 200 Ваттгача бўлган куёш панеллари тайёрлаш суръатини кескин ошириб, пировадидда бу республикамизда уларга нисбатан эҳтиёжини қондириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган куёш коллекторлари ва фотоэлектрик станцияларининг сифати юқори бўлиб, минтақамиз иқлимига

мослаштирилган. Шу боис бугунги кунда улардан республикамизнинг барча вилоятлари, хусусан, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз хонадонларида, қишлоқ врачлик пунктлари, таълим муассасалари, "Меҳрибонлик уйлари", пахта тозалаш заводлари ва пунктлари, шунингдек, sanoatнинг бошқа тармоқларида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси тоғли ҳудудлар аҳолисини мобил телефон алоқаси билан таъминлаш мақсадида ўзининг ҳудудий станцияларини фотоэлектрик станция ёрдамида ишга тушириб, Жиззах вилояти, "Дубо" ҚФЙдаги ўнга яқин қишлоқ аҳолиси, Қашқадарё вилояти, "Хисорак" ҚФЙдаги еттига қишлоқ аҳолиси сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Эътиборлиси, эндиликда пойтахтимиздаги корхоналарда ҳам муқобил энергиядан фойдаланила бошлади. Хусусан, ОАТ "Алоқабанк" ўз бизнеси ҳамда унинг ён-атроф ҳудудини ёритиш мақсадида фотоэлектрик станцияси ва светодиодли қишлоқларини ўрнатган бўлса, "Unitel" МЧЖ



ўзининг реклама шчитларини ёритишда шундай станциялардан фойдаланиш устида иш олиб бормоқда.

Ишлаб чиқариш жараёни илмий изланишлар билан уйғун олиб борилаётгани эса, ўз навбатида, куёш электр станциялари ва коллекторлари турини кўпайтириш, уларни янада такомиллаштириш, энг асосийси, янги техник ечимларни амалиётга татбиқ этишда қўл келаяпти. Сўнгги икки йилда жамиятимиз илмий жиҳатдан муқобил энергия соҳаси ривожига янги уфқлар очиб бериши муқаррардир.

Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган "KFS-50/12", "KFS-100", "KFS-300", "KFS-500" ва "KFS-1000" русумдаги куёш электр станциялари, шунингдек, "SUV-10" сув иситиш қурил-

маси ёрдамида аҳоли ўз хонадонларини муқобил электр ҳамда иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш имкониятига эга бўлди. Фаолиятимизнинг кейинги босқичи эса ЭКО — уй-куёш тизимини яратилган иборат бўлиб, у амалиётга жорий этилса, уй соҳибларининг кундалик турмуш шароитида зарур бўладиган энергия эҳтиёжини ноънанавий технологиялар ёрдамида қондирилади.

Муқобил энергия манбаларига ҳозир "Келажак энергияси" дея таъриф берилмоқда. Юртимизда эса улар аллақачон амалиётда кенг қўлланилиб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга хизмат қилаяпти. "Куёш энергияси технологиялари" тенденциялари ва истиқболлари мавзусидаги Осиё куёш энергияси форумининг 6-йилгилиши Тошкент шаҳрида ўтказилиши ҳам мазкур соҳада эришаётган ютуқларимизнинг амалий ифодаси, десак, музолага бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилаётган бу галги форум иштирокчилари тадбир довомида Ўзбекистонимизнинг юқори илмий-техникавий салоҳияти, геолоэнергетика ва бошқа муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган тизимий ислохотлар самараси билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса юртимизда муқобил энергия соҳаси ривожига янги уфқлар очиб бериши муқаррардир.

Акрам МИРЗАБОВ,
"Mir Solar" масъулияти чекланган
жамияти раҳбари,
техника фанлари номзоди.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Германиянинг энергетика соҳасида фаолият олиб боруви "RWE" компанияси 2016 йилга қадар мавжуд иш ўринлари сонини 6700 тага қисқартиришни режалаштирмоқда.

Талаб камайган

Компания маъмуриятининг бундай қарорга келиши сўнгги вақтларда "кўҳна қитъа"да энергия бўлган талабнинг кескин камайиб кетгани билан боғлиқ. Масалан, ҳозир аксарият йирик корхоналар тўлиқ қувват билан ишламаяпти.

Бундан ташқари, энергиянинг улгуржи нархи ҳам сезиларли даражада арзонлашган. Шу боис истеъмолчилар билан аввалроқ тузилган шартномалар бекор қилиниб, янгилари тузилади.

Айтиш жоизки, "RWE" 2011 йилда ҳам штат жадвалига ўзгартириш киритган эди.

Қимматга тушди

Яқинда тез тайёрланадиган таомлар савдоси билан шуғулланувчи дунёга машҳур "McDonald's" ресторанилар турмоғи бундан ҳам "Heinz" корпорацияси қайлаларини сотиб олмаслигини билдирган эди.

Қирқ йилдан бери давом этиб келаётган ушбу ҳамкорликнинг бекор бўлиши "Heinz"ни иқтисодий жиҳатдан мураккаб вазиятга тушириб қўйди. Натижада корпорация Шимолий Америкадаги учта корхонаси фаолиятини тўхтатиб, 1350 нафар



ҳодимини ишдан бўшатилган қарор қилди.

Торнадо талафотлари

АҚШнинг Ўрта Фарбий ҳудудида юз берган 50 та торнадо катта талафотларга сабаб бўлди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, табиий офат уч кишини ҳаётдан олиб кетган. Қирқ нафарга яқин одам тан жароҳати олган. Қарийб 350 минг нафар аҳоли вакили истиқомат қиладиган ҳудуд электр таъминотидан узилиб қолган.

Торнадодан энг катта зарар Вашингтон шаҳрига етгани айтилмоқда. Бу ерда кучли шамол дарахларни ағдариб, уйларнинг томларини учириб юборган. Чикагодаги "О'Хара" номли халқаро аэропортда эса 230 та рейс бекор қилинган.

Мамлакат миллий об-ҳаво хизмати томонидан маълум қилинишича, яқин кунларда ҳудудда яна торнадолар кузатилиб, Иллинойс, Индиана, Айово, Мичиган, Миссури, Огайо ва Висконсин штатларида мураккаб вазиятни келтириб чиқариши мумкин.

Чоралар кучайтирилди

Жаҳон антидопинг агентлигининг Жанубий Африка Республикасида ўтказилган навбатдаги Конгрессинда янги тахрирдаги антидопинг кодекси маъқулланди.

"Евронобс" телеканали хабарига кўра, 2015 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирадиган мазкур ҳужжатда диққатни торттадиган асосий ўзгариш, бу — тақиқланган препаратларни қабул қилганлик учун спортчига тайинланадиган жазо муддатининг ўзайтирилганлигидир. Жумладан,

энди айбдор деб топилган атлет мусобақалардан 2 йилга эмас, балки 4 йилга четлаштирилади. Изохланишича, сўнгги йилларда машҳур спортчилар билан юзага келган допингга оид машамалардан кейин жазо чораларини кучайтириш зарурати туғилган.

Қоида ҳаммага тегишли



Швеция шимолидаги Юккасьярви шаҳарчасида ҳар йили муздан меҳмонхона барпо этилади. "Ice Hotel" деб номланадиган ва қисқа муддат фаолият кўрсатадиган ана шу ажаботвор иншоотда бундан бунён ёнгина қарши сигналация тизими ҳам ўрнатилди.

Буни шаҳарча маъмурияти талаб қилди. Гап шундаки, мамлакатда жорий этилган қоидага мувофиқ, ҳар бир қуриладиган бинада, албатта, ёнгининг олдини олишга қаратилган воситалар бўлиши зарур. Ушбу тартибга "Ice Hotel" ташкилотчилари ҳам бўйсунмаса мажбурдирлар. Меҳмонхона вакили Беатрис Карлссоннинг айтишича, қўйилган талаб

ўринли: иншоот тўлиғича муздан ясалса-да, унинг хоналарига жойлаштириладиган жиҳозлар ёнвучан хусусиятга эга. "Ice Hotel"нинг бу галгиси жорий йилнинг 6 декабридан 2014 йилнинг 13 апрелгача фаолият юритади. Унда тунашни истаган сайёҳлар бир кеча учун 368 АҚШ долларидан 1452 долларгача тўлашларига тўғри келади.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хотин-қизлар тадбиркорлиги — фаровонлик омили

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида устувор вазифалар белгиланган бўлиб, айни чоғда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида уларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2013 йил — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Ўз навбатида, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси (УЗИАА) хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, пировадидда оилалар фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда 12 мингдан зиёд аъзоларига эга мазкур ташкилот томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли савий-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кўплаб янги иш ўринлари яратилди, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган хотин-қиз 14 минг нафардан зиёд бизнес асослари бўйича ўқитилди. Жорий йилда Ассоциация томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий нуфузини юксалтириш, оилавий тадбиркорликни ташкил этишга оид бир қатор лойиҳалар йўналтирилмоқда. Чунончи, барча ҳудудларда қишлоқ аёллари тадбиркорлигини янада ривожлантириш, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга кўмаклашиш кўзда тутилган лойиҳа доирасида 2013 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 50 нафардан зиёд аёлларнинг кредит олишларига ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, коллежаларни битираёт-

ган қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, "Устоз — шогирд" анъанаси асосида ёшларда ўз бизнесини йўлга қўйиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида хотин-қизларнинг оилада, жамиятдаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Кунги кеча пойтахтимизда "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан "Хотин-қизлар тадбиркорлиги — жамиятда, оилада ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири" мавзусида ўтказилган анжуманда шу хусусда атрафлича сўз юритилди. Тадбирда, шунингдек, айни пайтда мамлакатимизда 200 мингга яқин тадбиркор аёлларни Ватанимиз раҳбари, аҳоли фаровонлиги йўлида бирлаштириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятига эга Ассоциациянинг келгусидаги вазифалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Зиёда АШУРОВА.

Битирувчиларга дипломлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари битирувчиларига дипломлар топшириш маросими ўтказилди. Унда ички ишлар идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

АНЖУМАН

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ва бошқалар эътироф этганидек, истиқлол йилларида ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бугун ўз самараларини бермоқда. Тизимдаги жиноят қидирув, терроризмга қарши кураш, тергов, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патрүль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш, ёнгин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари фаолияти замон талаблари даражасида такомиллаштирилгани, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги мисолида ҳам буни қўриш мумкин.

Хусусан, ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларида шу пайтга қадар жазони ижро этиш, ёнгин хавфсизлиги, йўл-патрүль, патрүль-пост

хизмати, хоризга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишларида 9 мингдан зиёд сержантлар тайёрланди. Ҳозирги кунда улар юртимиз тинчлиги ва оқсоқиллигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. — Академияда таълимнинг самарали усулларидан фойдаланилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман, — дейди кичик сержант Қ. Нейматов. — Биз сиёсий билимларимизни мустаҳкамлаб, илғор тажрибаларни ўргандик, замонавий педтехнологиялар асосида пухта билим олдик. Бунинг барчаси, албатта, янада фаол ва самарали иш юритишимизда қўл келади. Тадбирда битирувчиларга дипломлар топширилди.

Зокир ХУДОШУКUROV,
"Халқ сўзи" мухбири.

● Реклама ва эълонлар ●

«Тошкент труба заводи» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,
Ø 0,8, 1,0, 1,2, 1,4, 1,6, 2,1, 2,5, 3,5, 4,0, 5,0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

САНОАТ КОРХОНАСИ

4 — 6-разрядли электромонтажчиларни, 4 — 6-разрядли ускуналар монтажчи-созловчисини доимий ишга таклиф қилади.

● **Иш ҳақи — 2 млн. сўм.**

● **Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади. Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.**

Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.

ORGANIZACIJA PREDLAGAET

ГидроSpetsKrov.uz наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:

ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе.

Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

Тел: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси банк Ижроия аппарати раҳбари Кабиржон Гофуровга волидан муҳтарамаси

МУҲАББАТ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Санъат ва дўстлик тараннуми

Пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Айтишув — 2013" халқаро оқинлар танлови бўлиб ўтди.

ТАНЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 15 йиллигига бағишланган ушбу тадбирда мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари, маданият ҳамда санъат намояндалари, бахши-оқинлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Танловда ўзбекистонлик бахши ва оқинлар билан бирга, Қозоғистон ҳамда Хитойдан келган фольклор санъати вакиллари ҳам қатнашдилар. — Миллати, дини, тилидан қатъи назар, мамлакатимизда барча фуқароларнинг эмин-эркин яшashi, таълим олиши, ўзи қизиққан соҳалар бўйича касб-хунар эгаллаши, мухтасар айтадиган, истиқлол берган неъматлардан баҳраманд бўлиши учун барча зарур шароитлар яратилган, — дейди Республика байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев. — Зеро, Асосий Қонунимизнинг

4-моддасида ҳам "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади", дейилган. Юртимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элат вакиллари маданияти, урф-одат ҳамда анъаналарини ҳурмат қилиш, ривожлантириш, жамиятимиздаги ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик муҳитини мустақамлашга қаратилган тадбирлар, хусусан, танловлар, фестивал ва анжуманларнинг ташкил этилишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. "Айтишув — 2013" халқаро оқинлар танлови бунинг ёрқин далилидир.

"Айтишув — 2013" халқаро оқинлар танловида бош соврин — "Nexia" автомобилга ўзбекистонлик оқин Қўлимаҳаммад Дўйсеновга насиб этди. Қозоғистонлик оқин Бекарис Шойбеков эса биринчи ўринни кўлга киритди.

Гўзал РАҲМОНОВА.



Менин шаҳрим

Баъзан қўни-қўшилар, яқинларим: "Деҳқончилик йил — ўн икки ой меҳнатни талаб қилади. Мавсум мавсумга уланиб, нафас ростлашга деярли имкон бўлмайди. Лекин сизнинг юзингизда ҳеч қачон ҳорғинлик аломатини кўрмаймиз. Доим хушқайфиятда юрасиз, тетик, бардам-бақувватсиз.

Опа, шу сирингизни бизга ҳам очсангиз-чи?!" дейишди. "Бирор бир юмуш билан кунда-кунора туманимиз маркази — Турақўрғон шаҳрига борасизлар-а? — дейман мен ҳам ўртага савол ташлаб. Хайро-о-н бўлиб қарашади. — Мана, бугун йўлингиз тўхса, ён-атрофга яна бир қарра яхшилаб разм солинглар. Бинолар, кўчаю хиёбонларни кузатинглар. Кейин жавобини ўзларингиз айтарсиз".

Ободликдан кўнгил яйрайди

Чиндан ҳам, менда шундай одат бор. Жонжон шаҳримизни бирров айлансам, ишонасимиз, бугун чарчокларни унутаман, кўнглим ёришади. Кучимга куч қўшилиб, хуш қайфиятда даламга йўл оламан. Чўки бугунги Турақўрғон аввалги Турақўрғон эмас. У бугун ҳар қачонгидан гўзал ва обод маскан.

Барака топсин, ўғлим Ёқубжон вақт топиб, мени машинасига солиб кездиради. Бизга наварам Нозимасан эргашади. Боласи тушмагур жуда қизиқувчан, йўл-йўлакай савол устига савол беради. Унга шаҳримизнинг аввалги ҳолати-ю, бугунги жамолини эринмай таққослаб бераман.

Бу кўча ва навқирон шаҳарнинг кенг ва раvon йўллари, ён-атрофга салобат бағишлаб турган бино ҳамда иншоотлари худуднинг бугунги ривожини яққол акс эттириб турибди. Мана, Турақўрғонда сўнгги пайларда бунёд этилган Янги Ахисикент кўрғончаси. Давлатимиз раҳбари ташаббус билан жойларда барпо этилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги тураржой даҳла-ридан бири. Бу масканда кейинги уч йилда 110 та замонавий уй қад ростлади. Улар атрофда зарур инфра-тузилма ҳам яратилди. Хусусан, янги мактаб, кўркам маъишӣ хизмат уйи, болалар спорт майдончаси, бозорча аҳоли хизматиди. Ма-

халлий тадбиркорлардан бири тикувчилик цехи ташкил қилиб, шу ерлик чевар қизларни ишга тақлим этди. Қизларнинг қувонганини айтмайсизми?! Бу оилага қўшимча даромад-да. Эътиборли томони, кўрғонча яна кенгайяпти. Қурувчи-лар келгуси йилда навбатдаги 80 та тураржойни фойдаланишга топширишар экан.

Замонавий андозаларга мослаб қайтадан қурилган автомобил йўли шаҳар марказига элтади. Қосонсой сойи кўпригидан ўтишингиз биланқо чап томонда муқташам Маданият саройи савлат тўкиб турибди. Уни бу жойдаги йирик саноат корхонаси номидан келиб чиқиб, "Ширинлик" деб аташади. Исми хисмига яраша — шаҳар аҳлининг энг ширин дамлари шу ерда ўтади. Маскандаги 500 ўринли томошалар зали, бир қатор маданий-маъишӣ хизмат соҳобчалари, "Бахт уйи" эл хизматиди. Ай-ниқса, кураш мактабининг амалий машғуллар зали доимо гавжум.

Белбоғли кураш бўйича уч қарра жаҳон чемпиони Рустамжон Умаров ҳам катта спорт сари илк қадами-ни шу ерда ташлаган. Эндилкида унинг издошлари миллий спортимиз доврўғини оширишга ҳисса

қўшиш ниятида астойдил изланиша-япти.

Хайтубахш исло-ҳотлар Турақўрғони-миз иқтисодиёти, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам тараққиётнинг ойдин йўлига олиб чиқди. Илгари фа-



қатгина иккита саноат корхонаси фаолият кўрсатган шаҳарда бугун ўнлаб ишлаб чиқариш субектлари бор. Кичик бизнес ривожини йўлида-ри интилишар ишбилармон ҳамша-ҳарларимизнинг эзгу мақсадлари-га қанот бўлаяпти. Мисол учун, ўзининг икки қаватли замонавий бино-сига эга "Дилрабо" кўп тармоқли савдо ва ишлаб чиқариш фирмаси-ни олайлик. Ушбу лойиҳа ташаббус-корни, тадбиркор Маъсуджон Со-дикова шаҳримизнинг фаол аёлла-



ридан. Иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган тикувчилик корхонасини тасарруфига олиб, уни ажойиб тикувчилик марказига айлан-тирди. 180 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган ушбу масканга тез-тез бориб тураман. Энг замона-вий дастгоҳлари эпчиллик билан бошқараётган қизларимизнинг гай-рат-шижоатини кўриб, ҳавасим ке-лади. Бугун улар тикаётган юздан зиёд турдаги трикотаж маҳсулотла-ри нафақат ички, балки ташқи бо-зорда ҳам муносиб ўрнини тогган. Маъсуджоннинг айтишича, йилга 200 минг АҚШ долларидан зиёд миқдордаги кийим-кечакни экспор-тига жўнатишгаётган экан. Мана, сиз-га ислохотларнинг меvasи. Мана, аёлларга қаратилган эътиборнинг натижаси. Бундан севинмай бўла-димми?!

Очиги, ҳикоя қилаверсам, охи-рига етишимиз мушкул. Гапнинг қисқаси, "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", дейиша-ди. Шундай экан, яхшиси, сиз ҳам вақт топиб, шаҳримизга бир келинг, ҳаммасига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Кичик бизнес соҳасидаги бу син-гари ишлар туман, ўз навбатида, шаҳар иқтисодиёти ривожига му-носиб ҳисса бўлиб қўшилаётгани рақамларда ҳам кўзга яққол таш-ланади. Эътибор беринг, мустақил-ликнинг дастлабки йилларида худудда атиги 78 та тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатиб, улар-нинг иқтисодиётдаги улуши 1,7 фо-изни ташкил этган. Бугун-чи? Улар-нинг сони 2205 тага, иқтисодиёт-даги ҳиссаси эса қариб 58 фоиз-га етди. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаси тараққиётига ўз улушини қўшаётган бизнес вакиллари сафи тобора кенгаймоқда. Жумладан, шу кунларнинг ўзида яна бир ҳамшаҳ-римиз Шаробиддин Хушназаров йирик савдо, маъишӣ хизмат кўрса-тиш ва меҳмонхона мажмуасини қуриб битказаяпти. Демак, яна янги иш ўринлари вужудга келади.

Энди ижтимоий соҳа, унга хиз-мат қиладиган бино ва иншоотлар шаҳримиз кўрқига қанчалик кўрк қўшганини айтиб, Чустқўприк кўча-сида қад ростлаган иккита касб-хунар коллежининг муқташам би-нолари фарзандлар келажаги, бахту иқболи йўлида ҳеч нарсани аямайдиган давлатимизнинг эзгу сиёсатининг ёрқин тилмоларидир. Соғлиқни сақлаш, таълим тизими-даги асосий бинолар ҳам замон талаблари асосида қайта қурилды-ки, уларнинг замонавий қўрилиши-дан кўнгил яйрайди. Яна бир ин-шоот — "Ешлик" марказий стади-они. Беш минг томошабинга мўлжалланган стадион, югуриши йўлақлари спортсеварлар билан доимо гавжум.

Очиги, ҳикоя қилаверсам, охи-рига етишимиз мушкул. Гапнинг қисқаси, "Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал", дейиша-ди. Шундай экан, яхшиси, сиз ҳам вақт топиб, шаҳримизга бир келинг, ҳаммасига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Халқхон МИРЗАЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Турақўрғон туманидаги
«Ходика ая»
фермер хўжалиги раҳбари.

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2013 йил 5 декабрь кўни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидидаги очик аукцион савдоларини тўқнасади.

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уйда жойлашган, тугатилётган «POLA COMMERCE» МЧЖ балансидаги қуйидаги мол-мулклар қўйлади.

| Т/р | Объект номлари | Ишга тушган вақти | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|-----|---|-------------------|------------------------|
| 1. | Музлаткич ускунаси (1 тўплам) | 26.08.2009 | 126 495 816 |
| 2. | Компрессор (1 тўплам) | 12.10.2009 | 22 371 067 |
| 3. | Таксимлаш пункти ПР-117124 (1 дона) | 19.10.2010 | 2 607 493 |
| 4. | Техник майдалагич (дробилка) (1 дона) | 22.01.2011 | 1 911 876 |
| 5. | Контейнер 20 футли, рақами № NCLU 200164 (7) (1 дона) | 22.01.2011 | 3 116 421 |
| 6. | Контейнер 20 футли, рақами № FFFU 301614 (0) (1 дона) | 22.01.2011 | 3 116 421 |
| 7. | Контейнер 40 футли, рақами № GH 00003 [H.LGU 427202 (4)] (1 дона) | 22.01.2011 | 3 700 749 |
| 8. | Контейнер 40 футли, рақами № HJCU 746958 (5) (1 дона) | 22.01.2011 | 3 700 749 |
| 9. | Кондиционер БК-2500 русумли | 22.01.2011 | 203 571 |
| 10. | Кондиционер «LG» S12LHP (LS-H126RU1) русумли (носоз) (1 дона) | 22.01.2011 | 420 924 |
| 11. | Кондиционер «Hisense» русумли KFR-25GE (носоз) (1 дона) | 22.01.2011 | 423 400 |
| 12. | Кондиционер «Hisense» русумли KFR-25GE (1 дона) | 22.01.2011 | 635 100 |
| 13. | Кондиционер «LG» русумли S09LHP (LS-H096QLL1) (1 дона) | 22.01.2011 | 635 100 |
| 14. | Кондиционер «LG» русумли S09LHP(LS-H096QLL1) (1 дона) | 22.01.2011 | 635 100 |
| 15. | Факс-телефон «Panasonic» (1 дона) | 22.01.2011 | 107 110 |
| 16. | Телефон «Panasonic» (1 дона) | 22.01.2011 | 30 536 |
| 17. | Мини АТС (1 дона) | 22.01.2011 | 1 273 680 |
| 18. | Телевизор «Panasonic» TC-2155R (1 дона) | 22.01.2011 | 1 171 376 |
| 19. | Назорат-касса машинаси 00621 «Орион-100Ф Уз» (1 дона) | 30.03.2011 | 220 140 |
| 20. | Стол «директор» русумли (200*100) (1 дона) | 22.01.2011 | 570 000 |
| 21. | Ёнбош тумба (200*60) (1 дона) | 22.01.2011 | 463 000 |
| 22. | Олд тумба (80*120) (1 дона) | 22.01.2011 | 168 247 |
| 23. | Китоб жавони (ойнали) (95*200) (1 дона) | 22.01.2011 | 175 000 |
| 24. | Ёғоч шкаф (95*200) (1 дона) | 22.01.2011 | 180 000 |
| 25. | Китоб жавони (120*180) (1 дона) | 22.01.2011 | 210 000 |
| 26. | Китоб жавони (120*195) (1 дона) | 22.01.2011 | 210 000 |
| 27. | Китоб жавони (200*195) (2 дона) | 22.01.2011 | 682 292 |
| 28. | Ёғоч стул (офис учун) (16 дона) | 22.01.2011 | 520 000 |
| 29. | Стол (сухбат учун) (1 дона) | 22.01.2011 | 132 420 |
| 30. | Стол (80*160) (2 дона) | 22.01.2011 | 300 000 |
| 31. | Телевизор тумбаси (60*40) (1 дона) | 22.01.2011 | 47 500 |
| 32. | Металл оёқли стул (офис учун) (8 дона) | 22.01.2011 | 200 000 |
| 33. | Стол (140*70) (1 дона) | 22.01.2011 | 225 000 |
| 34. | Тумба (90*45) (1 дона) | 22.01.2011 | 92 974 |
| 35. | Бир тумбали стол (160*80) (3 дона) | 22.01.2011 | 450 000 |
| 36. | Стол (230*80) (1 дона) | 22.01.2011 | 570 000 |
| 37. | Стол (120*80) (1 дона) | 22.01.2011 | 225 000 |
| 38. | Стол (80*60) (1 дона) | 22.01.2011 | 138 504 |
| 39. | Стол «директор» русумли (270*100) (1 дона) | 22.01.2011 | 570 000 |
| 40. | Ёнбош тумба (140*40) (2 дона) | 22.01.2011 | 617 082 |
| 41. | Кичик тумба (50*40) (2 дона) | 22.01.2011 | 140 000 |
| 42. | Чарм қопламали кресло (2 дона) | 22.01.2011 | 380 000 |
| 43. | Чарм қопламали кресло (кичик) (4 дона) | 22.01.2011 | 300 000 |
| 44. | Стол «директор» русумли (200*100) (1 дона) | 22.01.2011 | 570 000 |
| 45. | Чарм қопламали юмшоқ мебель (2 ўринли диван) (1 дона) | 22.01.2011 | 335 000 |
| 46. | Чарм қопламали юмшоқ мебель (3 ўринли диван) (1 дона) | 22.01.2011 | 375 000 |
| 47. | Чарм қопламали юмшоқ мебель (кресло) (1 дона) | 22.01.2011 | 190 000 |
| 48. | Мато қопламали юмшоқ мебель (кресло) (2 дона) | 22.01.2011 | 380 000 |
| 49. | Журнал столи (120*60) (2 дона) | 22.01.2011 | 276 000 |
| 50. | Металл шкаф (50*130) (1 дона) | 22.01.2011 | 109 000 |
| 51. | Сейф (50*80) (1 дона) | 22.01.2011 | 109 000 |
| 52. | Катта металл шкаф (80*130) (1 дона) | 22.01.2011 | 144 500 |
| 53. | Оёқли металл шкаф (50*130) (1 дона) | 22.01.2011 | 198 000 |
| 54. | Принтер, сканер, ксерокс «Сапон» (1 дона) | 22.01.2011 | 339 286 |
| 55. | Принтер HP Laser Set 1020 (1 дона) | 22.01.2011 | 156 071 |
| 56. | Принтер Canon Laser Shot 1120 (1 дона) | 22.01.2011 | 169 643 |
| 57. | Монитор «LG» Studioworks 563 (1 дона) | 22.01.2011 | 13 571 |
| 58. | Монитор «LG» (1 дона) | 22.01.2011 | 158 460 |

| Т/р | Объект номлари | Ишга тушган вақти | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|-----|---|-------------------|------------------------|
| 59. | Монитор «LG» «Flatron T750BH Plys» (1 дона) | 22.01.2011 | 40 714 |
| 60. | Монитор «Samsung» «Sync Master 793 DF» (1 дона) | 22.01.2011 | 50 000 |
| 61. | Тизим блоклари (системный блок) (4 дона) | 22.01.2011 | 547 204 |

Ўрнатилмаган ускуналар

| | | | |
|----|----------------------------------|------------|-----------|
| 1. | Кесил ускунаси (1 дона) | 26.11.2010 | 6 679 941 |
| 2. | Индукцион қиздирув печи (1 дона) | 26.11.2010 | 6 974 953 |
| 3. | Ўраш ускунаси (1 дона) | 26.11.2010 | 5 314 250 |

Моддий-товар бойликлари

| | | | |
|-----|---|-----|-----------|
| 1. | 1 шохли лостра (1 дона) | н/м | 22 400 |
| 2. | 2 шохли лостралар (2 дона) | н/м | 105 000 |
| 3. | Жалюзюлар (15 м) | н/м | 150 000 |
| 4. | Тюнер (носоз) (1 дона) | н/м | 7 600 |
| 5. | Шип ёриткичлари (светильниклар) (21 дона) | н/м | 472 500 |
| 6. | Бра (2 дона) | н/м | 98 918 |
| 7. | Гуллар учун тувак (напольный) (3 дона) | н/м | 135 000 |
| 8. | Стул (1 дона) | н/м | 39 000 |
| 9. | Тумба (5 дона) | н/м | 371 895 |
| 10. | Ўзбекистон Республикаси харитаси (1 дона) | н/м | 2 400 |
| 11. | Металл пештахта (1 дона) | н/м | 56 400 |
| 12. | Тошкент шаҳри харитаси (1 дона) | н/м | 2 400 |
| 13. | Ёнғин хавфсизлиги шчити (2 дона) | н/м | 330 000 |
| 14. | БК русумли кондиционер (1 дона) | н/м | 237 500 |
| 15. | 2 табақали ойнали шкаф (1 дона) | н/м | 210 000 |
| 16. | Журнал столчаси (1 дона) | н/м | 138 000 |
| 17. | Шкаф (2 дона) | н/м | 300 000 |
| 18. | Металл тоқчалар (1 дона) | н/м | 575 400 |
| 19. | Тюмень тарозиси (1 дона) | н/м | 33 929 |
| 20. | Металл трубалар - диам. 50мм (30 м) | н/м | 6 120 000 |

Шунингдек, ушбу ташкилотга қарашли қуйидаги мол-мулклар бўйича очик аукцион савдолари 2013 йил 19 декабрь кўни бўлиб ўтишини маълум қиламиз:

| Т/р | Ном | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|-----|---|------------------------|
| 1. | Идишли ва қадоқли маҳсулотлар | |
| 1. | Логотип тасвирланган рангли синтетик мато 80x280 (200 дона) | 207 000 |
| 2. | Логотип тасвирланган рангли синтетик мато 70x245 (488 дона) | 385 520 |
| 3. | Аргон баллони 40 л (30 дона) | 12 150 000 |

Хом ашё

| | | |
|----|---|---------------|
| 1. | Куюк буюк FDM White bathene PE-2620 (806кг.) | 7 579 521,54 |
| 2. | Рулонли алюминий тасма 450micX51mm (614кг.) | 4 940 502,24 |
| 3. | Рулонли алюминий тасма 450micX62mm (900кг.) | 7 241 778,52 |
| 4. | Рулонли алюминий тасма 600micX81mm (6786кг.) | 54 603 010,07 |
| 5. | Рулонли алюминий тасма 600micX100mm (8277,96кг.) | 66 607 947,74 |
| 6. | Алюминий тасма А 1100 НО Код ТНВЭД 7606920000 (50кг.) | 463 044,72 |
| 7. | ADHESIVE LE 200 T (2896кг.) | 14 572 142,59 |
| 8. | Аргон (0,50 баллон) | 80 000 |

Тайёр маҳсулот

| | | |
|----|---|----------------|
| 1. | Сув таъминоти тизими учун кўп қатламли босим қувури 16мм (29912лм) | 37 081 687,71 |
| 2. | Сув таъминоти тизими учун кўп қатламли босим қувури 20мм (120350лм) | 142 334 358,51 |
| 3. | Сув таъминоти тизими учун кўп қатламли босим қувури 26мм (6060лм) | 13 051 870,53 |
| 4. | ПНВ русумли полиэтилен қувури 16мм (58800лм) | 40 660 733,93 |
| 5. | ПНВ русумли полиэтилен қувури 16мм (1000лм) | 410 365,84 |

Ускуна

| | | |
|----|---|------------------|
| 1. | 2009 йил 12 октябрда ишга тушган, Металлопластик қувурлар ишлаб чиқарувчи линия ускунаси (1 тўплам) | 1 042 206 318,02 |
|----|---|------------------|

Очик аукцион шартлари:

Талабгорлардан бюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан икки кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг қамиди 10 фоизи миқдоридидаги закатлат пули «Toshtkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли бўлади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари м